SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 22-iyul • Shanba • 83 (27.575) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 июль куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун Москва шаҳрига жўнаб кетди.

Учрашувда президентларнинг МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиши кутилмоқда.

## ЯНГИ ПАРТИЯ БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА





Кеча ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодиёт уйи партия ташкилоти ҳамкорлигида «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар. Туман партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов иштирокчиларга ҳозирги кунда олиб борилаётган ишлар ва партиянинг V қурултойида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида маълумот берди. Тошкент шаҳар партия кенгаши раисининг ўринбосари Шавкат Файзиев эса ёшлар муаммоларига бўлган эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, тадбирлар, шаҳар партия кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг олиб бораётган фаолияти ҳақида батафсил тўхталди.

Давра суҳбати баҳс-мунозарага бой бўлиб, қизиқарли ўтди. Тадбир сўнггида корхонада фаолият кўрсатаётган 41 нафар партия аъзоларига янги партия билетлари топширилди.

**Суратларда:** партия билети топшириш маросимидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

• **ЎзХДП ҳаёти**

## МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ, БУЮК ИМКОНИЯТ!

**Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр,**
**У қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ...**
деган эди шоир. Ҳақ гап!

Одам учун Ватандан улуғроқ маскан, гўша йўқ. Шунинг учун ҳам у фақат киндик қони тўкилган юртда ўзини мағрур, хотиржам ва бахтиёр ҳис этади. Бу тушунча, тан олинг, юртдошларимиз тафаккурида, хусусан, Истиқлол йилларига келибгина ўз шакли-шамойилини топа бошлади десам, муболаға эмас...

...Бир тасаввур қилинг: чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилиши биланоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учаётган қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза этишади — шулар каби одам ҳам қаерда туғилиб, парвариш топган бўлса, ўша жойга меҳр қўяди. Бу жой, бу маскан — унинг Ватани!

Ватан нима? Бу, ўзининг тарихий тадрижини мазкур ҳудудда камолга етказган бус-бутун халқ. Бу, ўша халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Бу, унинг ранг-баранг маданияти, тили, феъл-атвори... Бу, у томондан амалга оширилган мақсадлар, ўзгаришлар ва ўз тарихидаги муҳим босқичлар...

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошига тўғри келиб турган 15 йил — Ватани Ўзбекистон бўлган бутун ўзбек халқи учун ҳам шундай мақсад, шундай ўзгариш ва шундай тарихий муҳим босқичдир. Бу, эркинлик, ҳурлик, озодлик, Истиқлол ва Мустақиллик босқичи!

Не бахтки, шу 15 йилда ўзлигимизни таниб, ҳаётимизни яна ва яна ҳам яхшилаб боришдек саодатли улуш масъулияти — Сизу бизнинг зиммамизга тушди. Зеро, мамлакатимиздан ҳам бошқа турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин, туғилган Ватанимиз битта: бу — бугунги мустақил Ўзбекистон! Уни қалбан севмоқ, қалбан англамоқ ва боринг-ки, бағрида бир зарра бўлмоқнинг ўзи ҳам бахт, ифтихор, шараф!

Ушбу сатрларни битаётиб, сўнгги кунларда жойлардаги ўзаро гурунгларда айрим турли ёшли даврадошларим сўзларини ён дафтарчамга ёзиб олганим эсимга тушиб қолди.

**Музаффар САПАЕВ, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, солиқ хизмати ходими, 25 ёшда:**

— Мана, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да яшаяпмиз. Ҳомий ва шифокор ўзи ким? Назаримда ҳар иккиси ҳам гўё бир данак ичидаги қўшмағиз: тотли неъмат...

Ҳомий билан шифокор ҳам шундай. Бири — ўз саховати билан одамларга кўмак берса, бири — қадрингни қилиб, малҳам беради... Менга қолса, уларнинг ҳар иккисини ҳам сероқибат, серсаховат инсонлар деган бўлардим. Саховатлари сахийлиги одамларга, халқига эканки, демак, Ватанига ҳам дегани... Юртим обод ва озод бўлсин, дегани... Меҳрим, муҳаббатим элимга, юртимга дегани...

**Бозорбой ЭШОНОВ, Тошкент шаҳри, матбаачи, 55 ёшда:**

— Ватан ғояси — яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам унинг барча фарзандларига бирдек хос. Бу ғояни улар қачонки, қалбан ҳис этганларидагина ўзларини фуқаро деб ҳисоблашларига ҳақли...

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, журналист, 75 ёшда:**

— Бизга ота-оналар, фарзандлар, яқин хеш-ақраболар қадрли... Аммо муҳаббат бобида барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» отли тотли сўзга бириккан...

Қарангки, суҳбатдошларим учаловининг ҳам сўзларида бамисли Ватан, халқ, Истиқлол суврати чизилмоқда. Ва яна қарангки, уларнинг учаласи ҳам уч хил касб эгалари, уч хил ёшдаги кишилар... Мамлакатимизнинг уч ҳудудидан... Аммо учаласи ҳам бир сиёсий куч — Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари. Учовида ҳам бир хил тушунча: кимки, ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди!

...Илғаяпсизми, бу, нима? Бу — Ватанга муҳаббат ғояси. Бу — олижаноб ният. Бу — барчамизга оташин даъват!

...Беихтиёр партиямиз янги Дастурининг ҳам хотимаси ёдимга тушмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг «**... сиёсий мўлжаллари ва дастурий мақсадларига қўшилган барча ватандошлар, эзгу ниятли кишиларни унинг мамлакат миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар билан ҳамоҳанг интилишларини рўёбга чиқариш йўлидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга даъват этади».**

Бу даъват — она диёримиз ва бутун бошли халқимизнинг буюк Истиқлоли суврати жажжигина бўлса-да, ҳаммамизнинг қалбимизда эканлигига урғу!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

## ОБУНАЧИЛАР СОНИ КЎПАЙДИ

«Қашқадарё почтаси» акциядорлик жамияти вилоятдаги иқтисодиёти юксалиб бораётган ташкилотлардан бири. Жорий йилнинг биринчи ярми ҳам салмоқли натижалар билан якунланди. Эришилган муваффақиятларда корхонада меҳнат қилаётган ХДП аъзоларининг алоҳида ҳиссаси бор десак, асло хато бўлмайди. Чунки, улар энг муҳим иш жабҳаларида ташаббускорлик кўрсатиб, сидқидилдан тер тўкмоқдалар. Натижада аҳолига хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб, сифат жиҳатидан замонавий андозаларга яқинлашмоқда.

Куни кеча жамоада кўпларни ҳаяжонга солган тантанали маросим нишонланди. Қайта рўйхатдан ўтган 40 нафар ХДП аъзосига янги партия билетлари топширилди. Тақдирини ХДП билан боғлаган бу инсонлар қўлларига партиянинг янги билетини олар эканлар, ўзларининг чексиз қувонч ва ҳаяжонларини яширмадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ва корхона раҳбари Солих Ҳафизовнинг шахсан ташаббуси билан жамоадаги барча ХДП аъзолари махсус мукофот билан рағбатлантирилди. Яъни, ўзларининг севимли нашри «Ўзбекистон овози» газетасига корхона ҳисобидан обуна қилиндилар.

— Бундай рағбат партиямиз аъзоларини янада ғайрат билан ишлашга даъват этади, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Раъно Қиличева.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ТАРҒИБОТ ЗАРУР

### ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг пленумида шундай масала қўйилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг V қурултойи қарорига мувофиқ аъзолари сафини саралаб олди. Айни пайтда ХДП шаҳар, туман кенгашларининг мавқеи ва фаоллиги ҳам синовдан ўтди. Шундан келиб чиқиб пленумда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг якунлари муҳокама этилди. Дастлабки ҳисобларга кўра, 5224 нафар аъзо қайта рўйхатдан ўтказилгач, 3224 нафарга камайган. Шунингдек, яқинда бўлиб ўтган ўзини ўзи бошқариш органлари сайловлари натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Пленумда сўзга чиққан БПТ раислари, партия фаоллари ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши фаолиятини жонлантириш, бунинг учун ташкилотчилик ва тарғибот зарурлигини таъкидладилар. Партия обрўсини ошириш, халқ орасига чуқурроқ кириб бориши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Абдумўмин Абдушукуров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Имомова ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ !

### ЎЗБЕКИСТОН БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ОАВ ва ахборот агентликлари ўртасида грантлар ажратиш бўйича Грантлар дастури доирасида танлов эълон қилади.**

**Танловда таҳририят ёки ноширлари мулкларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик шахс бўлган ва Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг вилоятлари ва туманларида нашр этиладиган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этиши мумкин.**

**Танловни ўтказиш шартлари**

Танловга қуйидаги масалаларни амалга оширишга қаратилган инновацион лойиҳалар қабул қилинади:

- жамият учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий аҳамиятга эга бўлган медиа-лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш;
- журналист кадрлар, шу жумладан, босма ОАВ раҳбар ходимларининг касб маҳоратини ошириш, медиа-бизнес ва менежмент, бухгалтерия ишларини ҳисобга олиш ва босма ОАВнинг хўжалик фаолиятини юритиш бўйича замонавий усулларни ва бошқа инновацион таклифларни амалиётга татбиқ этиш;
- босма ОАВ ходимларининг истиқболли лойиҳаларини ва ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Танлов натижалари бўйича ғолиблар ва Жамоат фонди ўртасида шартнома тузилади.

*Грант суммаси Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача белгиланади. Грант 12 ой муддатгача берилади.*

**Грантларни ажратишда қуйидаги мавзулар устуворликка эга бўлади:**

- «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури қандай бажарилаётганлиги;
- болалар спортини ривожлантириш;
- уй-жой ва коммунал соҳасидаги ислоҳотлар;
- кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни янада эркинлаштириш;
- экстремизм, ирқий, диний ва миллий ҳамда халқаро терроризм кўринишларига қарши кураш;
- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши;
- бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари;
- экология маданияти ва экология хавфсизлиги.

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Фонд директори номига ёзилган буюртма билан Фондга мурожаат этишлари, грант олиш учун махсус буюртма шаклини тўлдиришлари лозим.*

**Танловга тақдим этилган лойиҳалар Экспертлар кенгаши томонидан танлаб олинади ва баҳоланади.**

**Тақдим этилган лойиҳалар қуйидаги мезонлар асосида танланади:**

- мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ижодий лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти;
- журналистиканинг замонавий журналистика талабларига, халқнинг миллий ва маданий анъаналарига мос бўлган ижодий лойиҳаларнинг ғоявий ва бадиий даражаси;
- лойиҳада белгиланган масалаларнинг долзарблиги ва муҳимлиги;
- лойиҳани амалга оширишдан кутилган натижалар.

Грантларни олиш учун буюртмалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларда тўлиқ бўлмаган ёки ноаниқ маълумотлар берилган бўлса, Экспертлар кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилса, бундай лойиҳалар танловда иштирок этишга қўйилмайди. Шунингдек, бюджетдан қарздор ташкилотлар танловда қатнашишлари мумкин эмас.

Танлов ташкилотчиси буюртмалар Жамоат фондига ўз вақтида етказилмаганлиги учун жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилмайди, лойиҳалар тақриз қилинмайди, танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиш учун зарур бўлган буюртма нусхаси ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки **WWW.mmf.uz.** сайтидан олиш мумкин.

Танловга тақдим этиладиган материаллар «Грант олиш бўйича танловга» деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга тақдим этилади: Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, (3-қават, 5-хона).

Ҳужжатлар Республика ОАВда танлов эълон қилинган кундан бошлаб, шу йилнинг 20 августига қадар қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:**
**144-14-28, 144-12-51 (факс),**
**www.mmf.uz,**
**e-mail: mmf@uzpak.uz.,**
**mmf.uz@mail.ru**

## ИШЛАЁТГАН ОДАМ

энг аввало, ўзига, қолаверса, жамиятга ва давлатга фойда келтиради. Шунинг учун партиямиз барчанинг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги тарафдоридир, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ҲДП туман кенгашлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти раислари, партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этган ушбу давра суҳбати «Меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлиги: амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар» мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида белгиланганидек, партия меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги таъминланишини энг муҳим вазифа деб, ҳисоблайди. Партия ташкилотлари бу масалалар билан доимий равишда шуғулланиб, жойларда қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Туман меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳрида ҳам бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш борасида баъзи муаммолар мавжуд. Давра суҳбатида ушбу масалалар ўртага ташланди.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулла Мўминов шаҳарда меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Унинг таъкидлашича, банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш масаласини енгиллаштириш, иш берувчи билан юзма-юз мулоқотларни таъминлаш мақсадида шаҳар туманларида йил бошидан буён 30 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилган. Уларда 3803 нафар фуқаро иштирок этди. 1580 нафар фуқаро турли ишларга йўлланма олдилар. 217 нафари касбга ўқитиш ва қайта тайёрлашга юборилди.

Шу йилнинг 1 июлига қадар шаҳардаги корхона ва ташкилотлар берган маълумотларга кўра, улардан 9957 та бўш иш ўрни мавжуд.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши бўлим бошлиғи Маҳмуд Исаев эса норасмий меҳнат билан шуғулланиш ва унинг муҳофазаси масаласига тўхталди.

— Норасмий, яъни меҳнат шартномаси тузмасдан, меҳнат дафтарчаси юритмасдан ишлаётганларнинг муҳофазаси таъминланишига ҳеч қандай кафолат йўқ, — деди у. — Агар касал бўлиб қолса ёки иш вақтида жароҳат олса унга ҳеч ким товон пули, ижтимоий тўлов тўламайди. Вақти келиб давлат пенсиясини олиши ҳам катта муаммо. Демак, бизнинг бугунги асосий вазифамиз норасмий бандлик секторини камайтириш, яъни норасмий меҳнат билан шуғулланаётганларнинг ишини ҳам расмий меҳнатга айлантириб, меҳнат шартномаси тузиш, меҳнат дафтарчаси юритишнинг механизмларини ишлаб чиқишдир. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, бозор иқтисодиёти шароитида норасмий меҳнатнинг бўлиши табиий. Лекин бу ерда гап унинг иқтисодиётдаги улуши ҳақида кетмоқда.

Шунингдек, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали бош илмий ходими Рустам Саидов, ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов ва Фахриддин Ражабовлар Қонунчилик палатасида меҳнатга оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталдилар. Иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига жавоб бердилар.

Давра суҳбати баҳс-мунозаралар шаклида ўтди. Иштирокчилар кўтарилган масалалар юзасидан ўзларининг кўплаб таклифлари, мулоҳазаларини билдирдилар. Тегишли қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам фикрлар айтилди. Уларни умумлаштириб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясига юборишга келишиб олинди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• Истиқлол имкониятлари

# ЮРТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

## ёки Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида кейинги йилларда амалга оширилаётган ибратли ташаббуслар ҳақида

Агар мустақиллик йиллари юртимиз ва халқимиз эришган ютуқлар ичида энг муҳими қайси бири дейилса, ҳеч шубҳасиз мамлакатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган кадрлар тайёрлаш сиёсати, баркамол авлод тарбияси йўлидаги улкан ишлар, таълим сифати ҳамда мазмунини юксак даражага кўтарган ислоҳотлар натижалари кўз ўнгимизга келади. Бу бор ҳақиқат. Чунки, республикамиз ўз истиқлолининг дастлабки кунларидаёқ биринчилар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш ва шу орқали етук авлодни вояга етказиш ғоясини илгари сурган эди.

Сўз ва амал бирлиги халқимизга хос олижаноб фазилат. Бугун бундан 15 йил илгари ташланган эзгу қадамлар ўзининг меваларини бермоқда. Биргина фарзандларимизнинг аждодларимиз орзу қилган замонавий илм масканларида таълим олиши фикримиз далилидир. Юртбошимизнинг иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари ижобати сифатида юзага келган Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи айнан истиқлол даврида юксак талаблар даражасидаги илм масканига айланди.

Очиқ тан олиб айтиш керак, бу лицей мамлакатимиздаги ўнлаб ана шундай таълим муассасалари ичида юқори самарадорлиги, билим беришда ноанъанавий ёндашуви ҳамда янгича педагогик технологияларни изчил жорий этиши билан ажралиб туради. Айниқса, бу ерда ўқувчининг иқтидори ва қизиқишига қараб бир неча йўналишда таълим берилиши нафақат ёшларни, балки ота-оналарнинг ҳам эътиборини жалб қилди. Лицейнинг ўтган йиллардаги фаолиятига назар солсак, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўламиз. Хусусан, бу йиллар давомида ўқувчилар орасидан кўплаб фан олимпиадалари ва танловлар ғолиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари етишиб чиқди. Қанчалаб ёшлар нуфузли олий ўқув юртлари талабаси бўлди...

Булар, албатта, ушбу даргоҳнинг таълим борасидаги ютуқлари. Аммо жамоада ўқув-тарбиявий ишлардан бошқа жабҳаларда деярли ўзгариш сезилмади. Ўқув даргоҳи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги жиҳозлар таъминоти, таълимга қўшимча имкониятларни жалб қилишда бирмунча оқсаш юз берди.



Бундан икки йил муқаддам, яъни 2004 йилда лицейга янги раҳбар тайинланиши мана шу кемтикни тўлдирди. Ана шундан бошлаб илм маскани ҳаётида ижобий силжишлар бошланди. Энг биринчи галда таълим жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилди. Билимли, илғор тажрибали ўқитувчилар жалб қилинди. Лицейда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг беш йўналиши асосида вазифалар белгиланиб, амалга оширишга киришилди.

Ҳар қандай тажрибанинг кучи уни бошқалар томонидан эътироф этилишига боғлиқ. Шу маънода Нафис санъат лицейида қисқа фурсатда иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали механизми ишлаб чиқилдики, бу илм маскани ўқув жараёнини такомиллаштириб қолмасдан, уни янги мақомга ҳам кўтарди. Таълим узлуксизлигини таъминлаш, иқтидорли болаларни боғча ёшидан ўқитиш, уларни юқори даражада билим олишларига эришиш мақсадида ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан лицей фаолияти қайта ташкил этилди. Илгарилари бу ерда фақат юқори синф ўқувчилари таҳсил олган бўлса, эндиликда Чилонзор туманидаги 430-мактабгача таълим муассасаси лицей тасарруфига ўтказилиб, бу ерда болаларни боғчаданоқ юқори савияда тарбиялашга пойдевор қўйилди.

Бугунги кунда лицейда 6 йўналишда: тасвирий санъат, суҳандонлик, тарих-ҳуқуқ, иқтисод, инглиз тили, она тили ва адабиёт йўналишлари бўйича таълим берилади. Ўқувчиларнинг замонавий шароитда билим олишлари учун барча синфхоналар таъмирланиб, Халқ таълими вазирлигининг тавсиялари асосида жиҳозланди. Узоқ вақт қаровсизлик оқибатида анча путурдан кетган ётоқхона биноси ҳам тубдан қайта таъмирланди. Хоналар замонавий тусда жиҳозланиб, ўқувчилар учун зарур шароитлар муҳайё этилди.

Лицей ихтиёрига берилган 12 гуруҳли боғчанинг илгари фақат бир қисмидан фойдаланилган бўлса, қисқа вақт ичида битта блоки реконструкция қилиниб, 6 та синфхонага айлантирилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида ошхона ишга туширилди. Бино атрофи девор билан ўралиб, том ва ҳовлида таъмирлаш ишлари бажарилди. Бир сўз билан айтганда, лицейнинг ҳам, боғчанинг ҳам қиёфаси тубдан ўзгарди.



Ўз-ўзидан савол туғилади: қандай қилиб оз фурсатда бундай натижаларга эришилди? Аввало, лицей директори Малик Абдалимовнинг ташаббускорлиги, изланувчан ва тадбиркорлиги боис қисқа вақтда ана шундай ишлар амалга оширилди. Фарзандларимизни билимли, комил қилиб тарбиялаш учун қулай муҳит, зарур имконият ярата билиш нечоғлик муҳимлигини у тажрибали педагог сифатида яхши англаб етди.

Малик Абдалимов кўп йиллар пойтахтимиздаги 201-мактабда ишлади, сўнгра Чилонзор туман халқ таълими бўлими мудири бўлди. Бу вақтда у жорий этган қатор ташаббуслар, янгиликларни бугун ҳам одамлар яхши эслашади. Бу ҳақда 182-мактаб директори **Сайёра Абдураҳмонова** шундай дейди:

— Малик Абдалимов ҳар бир ишда ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олади. У ўзи ишлаган 201-мактабнинг эски ва яроқсиз биноси ўрнида янги мактаб қурилишига эришган эди. Чунки собиқ иттифоқ даврида фақат марказдаги мактабларга эътибор берилар, шаҳарнинг чекка ҳудудларидаги мактаблар кўпинча қаровсиз қолдириларди. Унинг тинимсиз елиб-югуришлари билан ўша пайтда «Дўмбиробод» маҳалласида янги мактаб биноси қурилиб ишга туширилганди. Кечагидек эсимда, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда давлат таълим стандартлари энди-энди шакллана бошлаган пайтлар эди. Ўша пайтда мониторинг хоналари ҳали соҳада янгилик бўлиб, унинг ташаббуси билан Чилонзор туман халқ таълими бўлимида биринчилардан бўлиб мониторинг бўлими очилганди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда лицейда амалга оширилаётган ўзгаришларда ана шу ташкилотчи раҳбарнинг изланувчилиги қўл келмоқда. Чунки ҳозир замоннинг ўзи ҳар бир одамдан ташкилотчиликни талаб қилаяпти. Малик Абдалимов лицейда иш бошлаган йили 41 млн. сўм ҳомийлар кўмаги четдан жалб қилинган бўлса, ўтган йили бу 27 млн. сўмни ташкил этди. Бу йил эса мамлакатимизда ҳомийлик фаолиятига кўрсатилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, саховатли юртдошларимиз лицейга 35 млн. сўм миқдорида кўмак берди. Ана шу маблағ эвазига яқинда усти очиқ бассейн қуриб битказилди. Келаси йили уни ёпиқ ҳолдаги бассейнга айлантириш кўзда тутилган.



Баркамол шахс нафақат маънан етук, балки жисмонан тўкис, иродали ва бақувват бўлиши лозим. Лицейда ўқувчиларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиб, ўз соғлиғини мустаҳкамлаб боришини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ўтган йили стадионга чим ётқизилиб, кичик спорт майдончаси таъмирланди. Ётоқхона биноси ёнида баскетбол майдончаси барпо этилди. Спорт зали ҳам таъмирланиб, зарур анжомлар ўрнатилди. Бундан ташқари, лицей ҳудудида жойлашган тиббий бўлим биноси капитал реконструкция қилинди. Бугун бу ердаги муолажа ва лаборатория хоналари, физиотерапия бўлимида яратилган шароит ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Шу ўринда лицейда ташкил этилган жамоатчилик кафедраси фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу кафедрага кўзга кўринган жамоат арбоблари, шоир-ёзувчилар, таниқли матбуот вакиллари ҳамда олимлар жалб қилинган бўлиб, улар лицей ёшлари билан мамлакатимизда бўлаётган воқеалар ҳақида, қолаверса бошқа турли мавзуларда суҳбатлар, мулоқотлар ўтказиб боришади. Бу эса ўқувчиларнинг дунёқараши шаклланишида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Раъно Абдусаломова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:**

— Илм-маърифат ҳамиша фидойиликни севган. Чунки фидойилик бор жойда эзгулик яратилади, орзу-мақсадлар рўёбига эришилади. Лицейимиз раҳбариятининг ташкилотчилиги боис бугун жамоамизда ҳақиқий ижодий муҳит яратилди. Устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, ишлаш, изланиш фурсати келди...

— Лицейда истеъдодли ўқувчилар жуда кўп, — **дейди 11-синф битирувчиси Ҳулкар Абдураззоқова.** — Улар ўзларининг илк шеърларини, тўпламларини шу ерда эълон қилишади. Яқинда менинг ҳам «Соғинчимсан, шеърият» номли илк китобим нашрдан чиқди. Шу кунларда олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёрланмоқдаман. Айни пайтда интернет орқали Малайзия ва Ҳиндистон олий ўқув юртлари ҳақида маълумотлар тўплаяпман. Ниятим, чет элда ўқиб, малакали мутахассис бўлиш...

Дарҳақиқат, бугун замон талабига мос қадрлар тайёрлашни мақсад қилган илм масканлари юксалиш йўлидаги бу лицейдан ҳар томонлама ибрат олсалар арзийди. Чунки, истиқлолнинг дастлабки кунларида тамал тоши қўйилган ушбу маскан ривожланиш ва етукликда Юртбошимиз орзу қилган чинакам таълим-тарбия масканига айланди. Бунинг ортида, шубҳасиз, лицей раҳбариятининг фидойилиги, тадбиркорлиги, узоқни кўра билиши, муҳими, юрт олдидаги масъулиятни ҳис этиши ётибди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратларда:*** *таъмирдан чиқарилган ётоқхона биноси; ўқувчилар спортнинг футбол ва сувда сузиш машғулотларида.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

---

XORIJDA

## ИСРОИЛ — ЛИВАН

«Хизбуллоҳ» радикал гуруҳи етакчиси шайх Ҳасан Насрулло пайшанба куни «Ал Жазира» телеканали орқали чиқиш қилиб, Исроилнинг Ливандаги ҳарбий амалиётлари гуруҳ инфратузилмасига зарар етказа олмаганини айтди.

— Исроил «Хизбуллоҳ» гуруҳининг 50 фоиз кучини йўқ қилгани ҳақидаги маълумотлар лофдан бошқа нарса эмас, — деди шайх.

Бундан ташқари, гуруҳ етакчиси ўтган ҳафтада қўлга олинган исроиллик ҳарбийларнинг озод этилиши воситачилар орқали музокаралар ва маҳбуслар алмашиш амалиёти доирасидагина амалга оширилиши мумкинлигини билдирди. Шайх Насрулло бундан кейин ташаббусни ўз қўлига олиб, «Исроилга кутилмаган совға тақдим этиш» ниятида эканлигини айтди. Бу каби баёнот эса ҳудуддаги зиддиятларни дипломатик йўллар билан ҳал этишга халақит бериши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, кучли бомбардимонлардан кейин ҳам «Хизбуллоҳ» гуруҳи раҳбариятининг омон қолиши исроиллик аскарларда разведка маълумотлари етишмаслигидан далолат бермоқда.

Исроил — Ливан зиддиятлари оқибатида шу кунгача 300га яқин ливанлик ҳалок бўлди, яна юзлаб одам жароҳатланди. Исроилда эса ҳарбий ва тинч аҳолини ҳисобга олганда 38 нафар шахс ҳаётдан кўз юмди, 90га яқини яраланди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашида сўзлаган нутқида зудлик билан ўт очишни тўхтатишга чақирди.

У «Хизбуллоҳ» гуруҳини зиддиятлар кучайишига сабабчи бўлганликда айблаб, Исроилни мувозанатни ҳисобга олмаган ҳолда ҳарбий куч ишлатганлиги учун танқид қилди.

Жумага ўтар кечаси Исроил ҳарбийлари Байрутнинг жанубий ҳудудларини ўққа тутишни давом эттиришди.

Ўтган бир неча кун ичида кемалар ёрдамида 10 мингга яқин хорижий фуқаро Ливандан олиб чиқиб кетилди. Айни пайтда ҳам кўплаб хорижликлар мамлакатдан чиқиб кетишга ҳозирлик кўрмоқда.

Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт ҳукумат йиғилишидан сўнг Ливан қамал қилинганлигига қарамай, яқин орада денгиз орқали Кипрдан Ливанга инсонпарварлик ёрдамлари етказиш учун йўлак очилишини хабар қилди.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

Европа Кенгашининг монополияга қарши идоралари Американинг «Microsoft» корпорациясини муқаддам белгиланган талабларни бажармаганлиги учун жаримага тортиш масаласи бўйича овоз берди. Жарима миқдори 700 миллион доллардан ошиши мумкин. «Microsoft» комиссиянинг айбловларига қўшилмаслигини билдириб, жарима чораларининг асоссизлигини исботлашга уринмоқда. 2004 йил охирида Европа Кенгашининг аксилтраст тартибига солувчилари «Microsoft» компанияси ўзининг «Windows» амалиёт тизими ишлаши ва тузилиши ҳақидаги муҳим ахборотларни мустақил дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларига очиши керак деган қарорни чиқарганди. Бу мустақил дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари учун «Windows» тизими негизида ишлайдиган дастурларни яратишга имкон берарди. Еврокомиссия ва аксилтраст идоралари мутахассисларининг фикрича, халқаро корпорация бу талабларни бажаргани йўқ. Ҳозирги кунда жарима миқдори белгиланганича йўқ. Лекин унинг энг юқори миқдори ҳар бир кун учун икки миллион еврога тенг бўлиши мумкин. «The Financial Times» газетасининг ҳисоб-китобича, агар «Microsoft» 2004 йил декабридан бошлаб қарорни бажариши лозимлиги назарда тутилса, жарима миқдори 700 миллион евродан ошиб кетиши мумкин.

---

• Қонун барчага баробар

# ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ОЙНАСИДИР

**«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

**Ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».**

*(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 35-модда.)*

Мурожаат этиш фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шакли, демократиянинг яққол кўриниши ва халқимиз ижодий фаоллиги белгисидир.

Дарҳақиқат, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг қатъий бажарилиши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш, прокуратура органларида фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқилишида қонунларга тўла риоя қилиниши соҳа вакилларининг алоҳида эътиборида. Прокуратура органларига қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш юкланган. Шу сабабли фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли турли масалалар юзасидан прокуратура органларига кўпроқ мурожаат қилиш ҳолати кузатилади. «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга кўра, прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ва фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Келиб тушаётган мурожаатларнинг сони кўпчиликни қизиқтириши табиий. Таҳлилларга назар ташласак, 2006 йилнинг биринчи ярмида прокуратура органларига 42 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Шулардан 20 мингга яқини бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, уларнинг уч мингдан зиёди қаноатлантирилган. 30 мингдан кўпроқ фуқаролар эса бевосита қабул қилиниб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг қонуний чоралари кўрилган.

Фуқаролар ўз мурожаатларида нималарни ёзмоқда, деган савол бўлиши табиий. Негаки, мурожаатларга қараб фуқароларни қандай муаммолар қийнаётганини билса бўлади. Шу сабабли мурожаатлар жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаси ҳисобланиши бежиз эмас. Айтайлик, шу йилнинг 1 ярмида меҳнатга доир, ижтимоий ҳимоя масалалари, тадбиркорлик ҳуқуқлари бузилиши, вояга етмаганларга доир, прокуратура терговидаги жиноят ишлари ва материаллари, судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилиши бўйича келиб тушган мурожаатлар сони бирмунча камайганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Шу билан бирга, афсуски, жорий йил 1 ярмида ердан фойдаланиш, судларда хўжалик ишлари кўрилиши ва ИИВ терговидаги жиноят иши ва материаллари бўйича келиб тушган мурожаатлар сони бирмунча ортган.

«Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларнинг кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларни розилигисиз ошкор этиш, фуқаро мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган. Лекин шунга қарамай баъзи жойларда фуқаролар мурожаатларига беписанд қараш ҳоллари учраб турибди. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида мурожаатларни вақтида ёки умуман кўриб чиқмасдан, сансалорликка йўл қўйган 886 нафар мансабдор шахс интизомий ва 242 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Мурожаатларни ҳал этишда йўл қўйилган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 16 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 576 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий тўланган.

Бир мисол. Чирчиқ шаҳар суд ижрочиси И.Худойқулов фуқаро М.Ильясованинг фарзанди таъминоти учун нафақа пулларини ундириб бериш ҳақидаги мурожаатларини мутлақо кўриб чиқмаган. Ҳатто муаллифга жавоб хати ҳам бермаган.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган шаҳар бўлими раиси М.Турғунов эса моддий ёрдам сўраб мурожаат этган 606 нафар кам таъминланган оилалар мурожаатларига 1 йилдан буён жавоб бериш ўрнига, оғзига талқон солиб келган. Мурожаатларга бундай панжа ортидан қарашни ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди.

Биласиз, фуқаролар ёзма мурожаатига амалдаги қонунларимизга кўра, бир ойда жавоб берилиши керак. Жиззах вилояти Пахтакор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Собиров эса ушбу муддатни ўтказиб, мурожаатга муносабат билдирмайди. Ушбу мансабдор фуқаро мурожаатига беписанд қарагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокурорнинг судга ариза тақдим этиши ҳуқуқбузарликнинг алоҳида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган тавсифи ёки алоҳида қатламлар манфаатларини муҳофаза этиш (вояга етмаганлар, қариялар, ногиронлар ва бошқалар), ёхуд умумий манфаатлар (кўпчилик фуқаролар — омонатчилар, ишсизлар ва бошқалар)ни муҳофаза этиш билан боғлиқ бўлмоқда. Ўтган йилнинг ўзида прокурорлар томонидан судларга шундай мазмундаги 31 та ариза киритилганлиги фикримиз далилидир.

Масалан, Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг қарорига асосан фуқаро Е.Инелеевадан «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси фойдасига 209.847 сўмлик моддий зарар ва 19418 сўм давлат божи ундирилган.

Фуқаро Е.Инелееванинг прокуратура органларига қилган мурожаати ўрганиб чиқилганида фуқаролик ишлари бир томонлама, фақат даъвогарнинг важлари асосида кўриб чиқилганлиги аниқланиб, Бош прокуратуранинг жорий йил январь ойида Олий судга киритилган протести асосида суд қарорлари бекор қилиниб, Е.Инелееванинг паймол этилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Тўғри, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, баъзан асоссиз, уйдирмалардан иборат бўлган мурожаатлар ҳам бўлиб туради. Масалан, Навоий вилояти Хатирчи тумани Ш.Рашидов фермерлар уюшмаси Араб қишлоғида яшовчи фуқаро Ш.Раҳматиллаев уюшма раиси Б.Расулов ва бошқалар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ҳақида кўплаб шикоят ёзган. Қатор ташкилотлар текшириб, ёзилган шикоятлар асоссизлиги аниқланди. Тасдиғини топмаган, туҳматдан иборат бўлган мурожаатлар йиллаб кўпчиликнинг беҳуда вақтини олган бу фуқаро Кармана туман суди томонидан жарима жазосига тортилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини айтиб ўтишимиз жоиз.

Ўз навбатида, мурожаатларга беписанд муносабатда бўлиш маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз. Мурожаатларни қонунда белгиланган вақтда кўриб чиқмаслик мансабдор шахсларнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси ва Жиноят кодексининг 144-моддасида кўрсатилган жавобгарликка тортилишига асос бўлади. Шу боис фуқаролар мурожаатига алоҳида эътибор билан қараш ва уларга ўз вақтида жавоб бериш қонун талаби ҳисобланади.

**Муқимбой ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими бошлиғи**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҲАНГАРОН ШАҲАР МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

2006-2007 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилади.

**9-синф маълумоти билан: ўқиш муддати — 3 йил.**

Коллежда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.




- Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- Ҳужжатшунослик, ҳужжат ва архив ишини юритиш;
- Бухгалтерия ҳисоби;
- Тикувчилик ишлаб чиқариши;
- Радио электрон аппаратураларни монтаж қилиш, таъмирлаш ва созлаш;
- Сартарошлик санъати ва декоратив косметика;
- Сув таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш.



**Ўқишга кириш истагидаги ёшлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

- *Коллеж директори номига ариза;*
- *Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *Педагогик-психологик тавсиянома;*
- *086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *Доимий турар-жойидан маълумотнома;*
- *3Х4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат;*
- *Туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.*

**Манзил: Оҳангарон шаҳар, 4 кичик туман, К.Холмуҳамедов 1-А уй. Тел.: 64-5-17-84**
**Факс: 64-5-17-83**
**Интернет: e-mail МХК @ uzpak.uz**
**Мўлжал: «Оҳанграбо» чойхонаси рўпараси.**

● Янги шеърлар

# ШИВИРЛАМАЙ БАРАЛЛА АЙТ, АЙТАР СЎЗИНГ

## Ватан меҳри

*Уммонимиз йўқ деб, уммонга бордим,*
*Шўр сув уч-тўрт кунда тегди жонимга.*
*«Уйга кетмаймизми...» аста ёлвордим,*
*Жуфти ҳалолимга — меҳрибонимга.*

*«Ўзимизнинг кўча, ўзимизнинг уй,*
*Жуда бошқача-да...» хўрсинди ёрим.*
*Қалбимни титратди ларзон-ларзон куй,*
*Ловуллаб кўринди қизғалдоқзорим.*

*Худди янги йилнинг арчаларидай*
*Қуёшда товланган олмазор боғлар.*
*Камалакнинг олтин парчаларидай*
*Саратон селига чўмган ўтлоқлар.*

*Ҳазилкаш жўралар, дилкаш қўшнилар,*
*Даканг хўрозларнинг қичқириқлари.*
*Қандайдир бошқача, майин туюлар*
*Ҳатто, ғанимларнинг қитмирликлари.*

*Булутдай кўпириб кетар юрагим,*
*Сиғмайлар кетаман еру осмонга.*
*Ягона истагим, ёлғиз тилагим*
*Тезроқ кета қолсам Ўзбекистонга!*

*Ё раббим! Баъзилар қандай сотади,*
*Униб, катта бўлган азиз юртини?*
*Қандайин юради, қандай ётади,*
*Қандай соғинмайди Ватан кўркини?!*

*Қайдан пайдо бўлар бундай кимсалар,*
*Гумроҳлик, густоҳлик бўлурми шунча.*
*Наҳот, Ватандан ҳам баландроқ турар*
*Мансаб, амал деган ғаддор тушунча?!*

*Ҳей, бандаи ғофил, хомсут эмган кас,*
*Умр бир тутам-ку, дегинг келади.*
*Бу давру даввора, бу ҳою ҳавас*
*Бир кун кўр қилади, теринг шилади!..*

*Эй, мовий тўлқинлар,*
*Эй, оқ пўртана!*
*Сиз каби гўзаллик йўқдир жаҳонда.*
*Балки, ёнингизда қолардим яна*
*Озроқ ўхшасангиз Ўзбекистонга!*

## Бўйларингдан айланай, юртим!

*Ўн беш ёшли бўз бола,*
*Шердил, чақмоқ сўз бола,*
*Бургут, лочин кўз бола —*
*Кўзларингдан айланай, юртим!*

*Чиқмай сабза мўйларинг,*
*Чинор бўлди бўйларинг,*
*Бунча кўп-а, ўйларинг —*
*Ўйларингдан айланай, юртим!*

*Ёш бошингда юз ташвиш,*
*Гоҳ ғийбату гоҳ миш-миш,*
*Бир қўлинг гул, бири мушт —*
*Бўйларингдан айланай, юртим!*

*Тузинг еб, тош отганлар!*
*Ё ғанимга сотганлар.*
*Ватанфуруш, оқпадар —*
*Дардларингдан айланай, юртим!*

*Йигирма беш миллион,*
*Довқур, ёвқур паҳлавон,*
*Сенга қондир, сенга жон —*
*Мардларингдан айланай, юртим!*

*Юлдузлардан зиёда,*
*Дўстларинг бор дунёда.*
*Кунинг қолмас хумсога,*
*Дўстларингдан айланай, юртим!*

*Ғанимларинг андуҳи,*
*Боболаринг алп руҳи,*
*Дилда ишонч шукуҳи —*
*Қудратингдан айланай, юртим!*

*Тоғдай ўсар уйларинг,*
*Дунё кезар куйларинг,*
*Қутлуғ бўлсин тўйларинг —*
*Тўйларингдан айланай, юртим!*

## Хорижда

*Ўн кунда сомондай кетдим сарғайиб,*
*Ўн кунда соғинчдан бўлдим адолар.*
*Бу ерларда ғариб итдай мунғайиб,*
*Қандай яшайсиз ҳей, ватангадолар?!*

**Абдусаид КЎЧИМОВ**



● Таҳририятимиз меҳмони

# САНЪАТ МИЛЛАТНИНГ ЮЗИДИР

Эл севган хушовоз хонанда Озодбек НАЗАРБЕКОВ билан суҳбат

**— Ҳар қандай мусиқа ёки қўшиқ ўзида миллат руҳини мужассам этади. Санъатнинг жозибаси, кучи ҳам ана шу миллийликка боғлиқ. Афсуски, кейинги пайтларда бу азалий ва абадий қоидага унчалик ҳам риоя қилинмаяпти. Бу ҳақда гарчи матбуотда кўп фикрлар айтилаётган бўлсада, суҳбатимизни шу муаммо билан бошласак дегандим.**

— Бажонидил. Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, ўзига мос тили бор. Худди шуларга ўхшаш санъат ҳам миллатнинг юзидир. Ҳар қандай халқ ана шу ҳеч кимга ўхшамас, ота-боболаридан мерос қолган ўзининг қадриятлари билан обрў-эътибор топади. Ўзбекнинг ўз қўшиқлари, ўз эстрадаси бор. Уларни бошқа миллатлар санъатидан ажратиш осон. Чунки, бу санъат ўзбекники, у асрлар давомида шаклланиб тараққий топиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу қадимий санъатимизни кўз корачиғидек асрашга интиламиз, уни бузишга уринаётганлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз. Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак. Бундан 5-6 йил илгари ўзбек эстрада санъатида қаттиқ силкинишлар, йўқотишлар рўй берди. Вақт — ҳакам. Ўзи ўзига керагини қолдиради. Нокераги ҳаёт саҳнасидан тушиб қолаверади. Хайриятки, охирги пайтларда санъатимизда яхши томонга ўзгаришлар бошланди. Шунгача кўпчилик санъаткорлар «тадбиркор»га айланиб қолган эдилар. Улар бозор нимани сўраса шуни етказиб беришга одатланишди. Натижада миллийлик қолиб кетиб, бозор расталарини хорижий тушунарсиз қўшиқлар босиб кетди. Менинг назаримда бу ҳақиқий санъат эмас.

Яна бир гап. Юртимизга «шоу» бизнес кириб келди. Майли бизнес бўлсин, янгиликлар кириб келсин, бунга қаршилик йўқ. Фақат улар миллийликка зиён етказмасин. Кундан-кунга мустаҳкамланаётган миллий ғуруримизни синдириб қўймасин. Бу вазифани амалга оширишни фақат миллий куйлару қўшиқларгина уддалай олади.

**— Озодбек ака, енгил-елпи қўшиқлар ҳақида гап кетса, айримлар «айтса айтибди-да, хоҳламаган эшитмасин» қабилида фикр юритишади, айримлар эса ундай қўшиқлар ёшлар дидига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, деб куйинишади. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?**

— Санъат ҳар қандай жамиятда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Лекин ҳамма санъаткор ҳам бу масъулиятни англайвермайди. Энг асосий муаммо ҳам шунда. Агар у шу масъулиятни ҳис қилса, шундагина ўйлаб иш қилади, муомаласи, юриши, кийинишини тартибга солади.

Яна бир ҳақиқат бор. Бу миллий минталитетимизни қоғозга тушмаган қонунларидир. Шулардан бири, бу ибо-ҳаё масаласи. Биз ор-номусли халқмиз. Уят ўлимдан ҳам қаттиқ биз учун. Бу нарсалар миллатнинг қонида бор, ота-оналаримиз бизни шундай тарбиялашган. Уяти бор, ғурури бор киши бачкана ҳаракатлардан ўзини тияди. Кимларгадир тақлид қилиб ярим-яланғоч саҳнага чиқиш ёки ўзимизга хос бўлмаган юриш-туришлар билан одамлар ҳурматини қозониб бўлмайди. Енгил-елпи, ғоясиз қўшиқлар билан ҳам. Булар томошабин дидига салбий таъсир кўрсатади. Санъаткор одамларда миллий руҳни тарбияловчи қўшиқлар айтса хизматига савоблар ёғилади.

**— Ҳақиқий қўшиқ қалбдан отилиб чиқади. Шунинг учун у дард, изтироб ва қувонч ифодасига айланади. Шундай қўшиқлар яратиш учун нималар қилиш керак?**

— Қўшиқ куйлаш учун истеъдод керак. Чунки шоирнинг шеъридаги дардни юрагингизга кўчира олиш, ўн дақиқага бўлса ҳам сатрлар ичига кириб яшаш осон иш эмас.

Санъаткорнинг энг асосий вазифаси қоғоздаги изтироб, қайғуни оҳангга кўчириш, оҳангга кўчгандан кейин у албатта, инсонлар қалбига кириб боради. Ўша сўзни юракдан ҳис этиб айтсангизгина дард ёки ғурур пайдо бўлади, бошқа юракларга ўтади. Юракнинг ўзи қайси оҳангни маъқул топса, сўнг қўшиқ ижро этилади. Ҳозирги айрим хонандалар бошқача йўналишга ўтиб олишган. Улар аввал мусиқани ёзиб олиб, сўнгра унга шеър излашади. Бу йўл тўғри йўл эмас, деб ўйлайман. Чунки, шеър озгина бўлса ҳам мусиқанинг йўналишини кўрсатиб беради. Шундагина халқ хоҳлаган, халқни кўнглига етиб борадиган қўшиқ яратиш мумкин.

Фақат «шоу» бизнес дегани миллийлашмай қолди. Чунки «шоу»ни орқасидан катта пул ишлаётганлар бор. Лекин улар билмайдики, ҳар қандай санъат миллатга хизмат қилмаса, эртага у нокерак буюмга айланади. Тўғри, хорижда ҳам «шоу» бор. Бироқ улар хонанда бўладиган болани ёшлигидан бошлаб миллий қўшиқларга ўргатишади, миллий мумтоз йўналишда ўқитиб, пишгандан кейингина «шоу»га рухсат беришади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Шунда унинг тафаккурига мумтоз оҳанглар сингади. Кейин марҳамат, қайси йўналишда куйлаш унинг ўзига ҳавола. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси, умрида қўшиқ айтиб кўрмаган ёш йигит бехосдан эстрада жанрида қўшиқ айтиб қолади. Куйи бошқа халқники, сўзи тушунарсиз, ярим-ёрти ўзимизники. Энди овозни умуман, айтмай қўяқолай. Балки бу «қўшиқ»ни ҳаёсиз сўзлари учунгина айрим ёшлар эшитар... Бундай санъатнинг эртаси йўқ.

**— Яхши қўшиқ кимга кўпроқ боғлиқ? Шоиргами, бастакоргами, қўшиқчигами?**

— Яраладиган қўшиқ олий даражада бўлиш учун ҳар учаласи мужассам бўлиши шарт. Яхши шеър, яхши басталанган куй ва чиройли овоз вобаста бўлмаса яхши қўшиқ яратиб бўлмайди. Ҳатто, чиройли шеърларни ҳам бузиб айтаётганлар оз эмас. Қисқаси, учаласи бирлашгандагина қанақадир санъат даражасидаги олий сифат пайдо бўлади.

**— Сиз қайси шоир ва бастакорлар билан ҳамкорлик қилаяпсиз?**

— Охирги уч йил ичида менга яқиндан ёрдам бериб, устозлик қилиб, санъат соҳасидаги дунёқарашларимни, фикрларимни тўлдириб келаётган Мусохон Нурматовдир. У киши ҳам ажойиб ижрочи. Ҳар қандай шеърни биринчи сатрини ўқибоқ, дарҳол қўшиқ бўладими, йўқми пайқайди. Шоирлардан Бобораҳим Машраб, Фаттоҳ Лазиз сингари мумтоз шоирлар ижодига мурожаат қиламан. Шунингдек, Сирожиддин Саййид, Шарофиддин Болтабоевлар ижодига қизиқаман. Бастакорлардан Нодирбек Умаров, Азизбек Холмуродов, Абдулазиз Ҳасанов билан ҳамкорлик қилаяпман. Бу ҳамкорлигимиз яхши натижа бераяпти.

**— Энг улуғ, энг азиз байрамимиз Ватанимиз Мустақиллигининг — 15 йиллиги арафасида кўнглингиздан қандай ўй-кечинмалар ўтмоқда?**

— Мустақиллик байрами халқимизнинг, миллатимизнинг эзгу орзулари ушалган кун. Бу кунни ажлодларимиз асрлар давомида кутишган. Ушбу олий неъмат бизга насиб қилди. Бунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу боис бу кунни кўтаринки руҳ билан кутиб олишга ҳаракат қиламан. Шу кун учун курашиб, уни кўролмай кетган боболаримиз эсимга тушади. Бизга шундай кунлар буюрганига шукроналар келтираман. Мустақиллик даврини не-не аждодларимиз кўролмади, биз кўрдик. Инсонга бундан ортиқ бахт борми? Биз энди ана шу мустақиллик учун куйлаймиз, жонимизни тикиб уни мустаҳкамлаймиз. Аждодларимиз қони эвазига эришилган кун бу байрам. Шунинг учун уларнинг руҳи ҳаққи боболар яратган қадриятларимизни соф ҳолда сақлаб, аждодларимизга ҳам соф етказиб беришимиз лозим. Бу ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи деб биламан. Ахир авлодлар олдида жавобгарлик ҳисси бўлиши керак эмасми? Агар мана шундай руҳ билан яшасак ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

**— Байрамга атаб янги қўшиқлар устида ишлаётгандирсиз?**

— Мустақиллик кунига бағишлаб бир неча қўшиқлар яратиб қўйдим. Қолаверса, ота-она, Ватан ҳақидаги қўшиқлар ҳар куни туғиладиган қўшиқлар эмас. Инсон бир умр шулар устида изланади, топгандай бўлади, яна янгисини ахтаради. Мен ҳам изланаяпман, изланганим учун ҳам топаяпман. Ана шу топганларимдан бирини мустақиллик байрамининг 15 йиллигига бағишланган тантанали кунда озод халқимга ҳадя этиш орзусидаман.

**Суҳбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

● Луқма

# БИРИГА — ЭЪТИРОЗ, БИРИГА — ИМТИЁЗ...

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида «Имтиёз машмашаси» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда пенсионер Ҳусан Қўчқоровга Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан берилган ички ишлар идораларида хизмат вазифасини бажариш даврида олган жароҳат туфайли 2-гуруҳ ногирони ва Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига тенглаштирилган ҳуқуқни берувчи гувоҳномаси телефондан фойдаланишда имтиёз берадими ёки йўқми, деган саволига жавоб тополмай айрим соҳа ходимлари томонидан сарсон-саргардон қилинаётгани қаламга олинган эди.

Ушбу мақола юзасидан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори А.Ишонходжаевдан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 20.03.1997 йилда чиқарилган №112-сонли буйруғига асосан алоқа корхоналари томонидан кўрсатилаётган маҳаллий алоқа хизмати учун имтиёздан фойдаланувчи, ойлик абонент тўловининг 50% миқдорида пул тўлаш имтиёзидан фойдаланувчи истеъмолчилар рўйхати қуйидагилардан иборат:

— 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари;

— Байналмилал ҳарбий ногиронлари;

— Чернобил АЭС авариясини бартараф этишда қатнашган ногиронлар;

— 1-гуруҳ ногиронлари;

— 1941-1945 йиллар урушида қатнашган ҳарбий хизматчилар (Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий комиссариятлар томонидан берилган гувоҳномаларга асосан).

Ушбу имтиёзлар «Toshkent telefon tarmog`i» филиали маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳурматли абонентимиз Ҳ.Қўчқоровга берилган гувоҳнома имтиёзда фойдаланиш ҳуқуқини бермайди ва уларга тўлиқ маълумот бермаган айбдор ходимларга маъмурий чора кўрилди.»

Сансалорликка йўл қўйиб, фуқароларни овора қилган ходимлар жазо олгани яхши. Негаки, кичкинагина масъулиятсизлик катта норозиликларга, одамларнинг қонун устуворлигига нисбатан ишончсизлигига сабаб бўлиши мумкин. Ёки оддийгина тушунтириш билан ечиладиган масала ўз вақтида ҳал этилмаса, юқорилаб, кўплаб кишиларнинг беҳуда вақтини олади. Агар фуқаро Ҳ.Қўчқоровга туман филиали ходимлари томонидан ўз вақтида асосли жавоб берилганда эди, шаҳар телефон тармоғи филиали директорининг эътибор қаратишига ҳожат бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Гувоҳи бўлганингиздек, Ҳ. Қўчқоровнинг абонент тўловида имтиёзга эга эмаслиги хатда айтилган. Лекин бир ҳолат бизни таажжублантирди. Буни қарангки, Иккинчи жаҳон уруши ногиронлигига тенглаштирилган ҳуқуқни берувчи худди шундай гувоҳнома эгаси Шайзак Сафаров эса абонент тўловидан бир неча йиллардан бери имтиёзли равишда фойдаланиб келади. Энг қизиғи, у киши ҳам Ҳ.Қўчқоров каби Учтепа телефон тармоқлари филиали мижози. Битта ҳудудда бир ҳолатга икки хил муносабат, буни қандай изоҳлаш мумкин?

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

● Интер-спорт

## ЗИДАН БИЛАН МАРКОГА ЖАРИМА СОЛИНДИ



20 июль куни Цюрихдаги ФИФА қароргоҳида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида нохуш воқеага йўл қўйган Зенидин Зидан қарийб бир ярим соат ўз мулоҳазаларини баён қилди. Шундан кейин Италия — Франция учрашувида юз берган ўша кўнгилсиз воқеани кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия ўзининг якуний хулосасига келди. Зиданнинг сўзларига қараганда, Матерацци унинг онаси билан синглисини ҳақорат қилган. Шундай қилиб, ФИФА Зиданни учта учрашувдан четлатди. Албатта, бундай жазо рамзий ҳисобланади, чунки Зидан катта футбол билан хайрлашган. Бундан ташқари, Франция футбол жамоасининг собиқ сардори 7,5 минг швейцария франки (олти минг доллар) ҳисобида жарима тўлайди. Марко эса нисбатан енгилроқ жазоланди. У навбатдаги икки учрашувда миллий терма жамоа таркибида ўйнамайди. Лекин 5 минг швейцария франки (тўрт минг доллар) жарима тўлайди.


ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**ОҲАНГАРОН ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

*2006-2007 ўқув йили учун коллежнинг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилади:*

**9-синф негизида (кундузги): ўқиш муддати — 3 йил**



- *Бухгалтерия ҳисоби;*
- *Кимёвий технология ва ишлаб чиқариш;*
- *Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика;*
- *Пайванд конструкциялари ишлаб чиқариш;*
- *Технологик машиналар ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;*
- *Металл кесувчи дастгоҳлар;*
- *Саноат корхоналари ва қурилмалари электр жиҳозлари;*
- *Нон-булка, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.*



**Ўқишга кириш истагида бўлган ёшлар қуйидаги ҳужжатларни топширишади:**

1. *Директор номига ариза;*
2. *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
3. *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
4. *Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси;*
5. *Педагогик-психологик ташхис маркази тавсияномаси;*
6. *Паспорт (ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома);*
7. *Турар-жойидан маълумотнома.*

**Манзил:** ***Оҳангарон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 4-уй.***
**Мурожаат учун телефонлар:** ***6-45-30-71, 6-45-32-52, 6-45-30-70.***



**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

***қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини***

***ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

***Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежининг ўқув хўжалиги қурилиши (калит билан)***

Қурилишни тугаллаш муддати: 2006 йил 20 декабргача.

***Буюртмачи манзили:*** *Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.*

***Телефонлар: (8 372) 222-31-59, 222-30-11.***

*Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — ***Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:***

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

*Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

***Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.***



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)



MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 952
7235 nusxada bosildi
т — Тижорат материали
O'zA yakuni — 20.30
Topshirish vaqti — 21.45
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda